



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 12 » август

№ 482

Toshkent sh.

### **Осиё инфратузилма инвестициялари банки иштирокида “Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимининг барқарор ишлаши ишончлилигини таъминлаш, вилоятнинг шаҳар ва туманларида аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларининг канализация хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш, шунингдек, Осиё инфратузилма инвестициялари банки билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

а) 2019 йил 2 июлда Осиё инфратузилма инвестициялари банки (кейинги ўринларда – ОИИБ) томонидан Ўзбекистон Республикасига “Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш учун 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 25 йил мобайнида қайтариш муддати билан 385,12 млн АҚШ доллари миқдоридagi қарз берилиши маъқулланганлиги;

б) лойиҳанинг умумий қиймати 437,62 млн АҚШ долларини, шу жумладан:

ОИИБ қарзи – 385,12 млн АҚШ долларини;

лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси – солиқ ва божхона имтиёзлари бериш тарзида 52,5 млн АҚШ долларини ташкил этиши;

в) лойиҳани амалга ошириш даври 4 йилни (2020-2023 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Коммунхизмат” агентлиги (кейинги ўринларда – “Коммунхизмат” агентлиги) лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун зарур ташкилий-техник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишини, ОИИБнинг қарзларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайдиган масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

инвестиция даврида фоизлар, захирага олиш учун воситачилик ҳақи ҳамда бир марталик воситачилик ҳақи кўринишидаги молиявий харажатларни тўлаш ОИИБ нинг қарзлари ҳисобига амалга оширилади.

### 3. Қуйидагилар:

“Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси техник-иқтисодий асосининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

“Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича Осиё инфратузилма инвестициялари банки қарзини қайтариш ва фоизларни тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

“Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Осиё инфратузилма инвестициялари банки қарзларига хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш бўйича улушлар тақсимотининг прогнози 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### 4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига:

Ўзбекистон Республикаси номидан ОИИБ билан лойиҳани амалга ошириш учун қарз битимини;

“Коммунхизмат” агентлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – “Ўзсувтаъминот” АЖ) “Бухоро сув таъминот” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – “Бухоро сув таъминот” МЧЖ) ўртасида ОИИБ қарзини қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда – қайта кредитлаш тўғрисидаги битим) имзолаш ваколоти берилсин.

Қарз битимини ишлаб чиқишда инвестиция даври ва кафолат муддатида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар ва транспорт воситаларини божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғи, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига йиғимлар тўлашдан озод этишни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ОИИБ ўртасидаги қарз битими ҳамда қайта кредитлаш тўғрисидаги битим бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

6. “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқарув раиси зиммасига “Бухоро сув таъминот” МЧЖ томонидан қайта кредитлаш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ ОИИБ қарзини қайтариш ва фоизларни тўлаш учун зарур бўлган маблағлар ўз вақтида жамлаб борилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.